

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯ ПРОФИЛАКТИКАСИ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ЎТМИШИ

Арипов Алишер Сайфиддинович

Навоний давлат педагогика институти ижтимоий фанлар

кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси.

Ўзбекистон. Навоний вилояти. Навоний шаҳри.

Собиқ совет давридан сўнг, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ва жамиятимиз учун оёққа туриш, ўз қаддини тиклаш жуда ҳам қийин кечди. Ўзбекистон халқи ҳақиқий мардонавор даврни бошидан ўтказди. Турли ташқи босимлар, жамиятдаги ички қарама-қаршилиқларга қарамай бир қанча оғир синовлардан ўтди. Жамият ҳаётидаги мураккаб даврда коррупция ҳам яширин тус олиб, илдиз отиб борди. Ҳозирда гарчи оғир бўлсада, буни тан олиб, эндиликда коррупцияга қарши кескин кураш олиб боришимиз лозимлиги зарурати пайдо бўлди. Гўёки, ўз вақтида даволанмаган яра охир оқибат йиринглаб, асорат қолдира бошлади.

Маълумки, узок йиллар давомида мамлакатимизда коррупция мавзуси медиа-маконда ва жамоатчилик орасида энг кам муҳокама қилинган мавзулардан бири эди⁹. Сабаби, коррупциядан манфаатдор бўлган жамиятнинг баъзи бир қатламдагиларнинг ўзига бу керак эди, бироқ Янги Ўзбекистон давридан бошлаб, вазият кескин ўзгарди. Эндиликда жамиятни кемириб бораётган “каламушлар”нинг юзи очиқлана бошлади, жамиятда “ҳалоллик вакцина”си билан эмлаш йўлга қўйилди.

Коррупциянинг тарихий илдизлари, эҳтимол, илтифот қозониш учун совғалар бериш одатига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға одамни бошқа мурожаатчилардан ажратиб турди ва унинг сўрови бажарилишини таъминлашга ёрдам берди. Шунинг учун ибтидоий жамиятларда руҳоний ёки раҳбарга ҳақ тўлаш одатий ҳол эди. Давлат аппарати мураккаблашиб, марказий ҳокимият ҳокимияти кучайгани сари, ҳукмдорларнинг режаларига кўра, фақат белгиланган маош билан кифояланиши керак бўлган профессионал амалдорлар пайдо бўлди. Амалда мансабдор шахслар ўз мавқеидан фойдаланиб, ўз даромадларини яширинча оширишга ҳаракат

⁹ Юсупов А. Коррупцияга қарши кураш – кечиктириб бўлмайдиган вазифа. <https://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari>.

қилганлар¹⁰. Тарихан илдиз отган коррупция дастлабки мустақиллик йиллариданок Ўзбекистон халкининг турмуш-тарзига ўз таъсирини кўрсатиб келди. Ўрни келганда ўз зулмини ўтказа олди. Чунки собиқ совет даврида жамият марказлаштирилиб, барчани марказга хизмат қиладиган тизим йўлга қўйилган эди. Халқимизда “ўзингни топганинг ўзингга буюрсин,”-деган ибора бор. Ўтган даврда халқимизни ўзини меҳнат қилиб топгани ўзига буюрмади, коррупция ғаламислари, жамиятимизни канадек қонини сўрган мисоли, топганини қўлидан олиб қўяверди, жамиятимизни коррупция ўз домига ютиб бораверди.

Шу ўринда, юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг “Адолат — бу давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир”, деган сўзларини ёдга олишимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, замонавий жамиятимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар, демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган кўринишда олиб борилмоқда. Буни, ўз навбатида, халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун энг муҳим вазифалардан бири бу, жамият онгини тубдан ўзгартириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантиришдир. Бу муаммони ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини тизимли равишда ошириб бориш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларининг тўлиқ шаффофлигига эришиш, шунингдек, барча давлат ва нодавлат ташкилотларида доимий равишда мақсадли профилактика ишларини олиб бориш орқали эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, 2023 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги ўз нутқида: “...Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этамиз. Давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берамиз” – деб таъкидлаб ўтди¹¹.

Барчага яққол кўриниб турганидек, Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган коррупция

¹⁰ История коррупции. <https://linguanet.ru/ob-universitete/protivodeystvie-korrupsiyi/istoriya-korrupsiyi>.

¹¹ Турдикулов Ш.Х. Коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир. <https://antikorr.uz/yangiliklar>.

профилактикаси бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасида стратегик қадамлар ташланмоқда. Шубҳасиз, бу туб ўзгаришлар жамиятимиз ва халқимиз манфаатларини коррупциядан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган амалий ишларнинг ифодасидир.

Коррупцияга қарши курашиш республика идоралараро комиссияси томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда 2017 йилнинг биринчи ярим йили давомида коррупцияга алоқадорликда гумон қилинган 1566 нафар мансабдор шахсга нисбатан 1130та жиноий иш қўзғатилган. Суд органларига 1442 нафар мансабдор шахсга нисбатан 954та жиноят ишлари юборилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 23 фоизга, қўзғатилган жиноий ишлар сони эса 22 фоизга камайган. Шунингдек, коррупция жиноятлари натижасида етказилган зарарнинг 77 фоизи ундириб олинган. Коррупцияга алоқадор бўлган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу турдаги барча жиноятлар сони камайган. Жумладан, Жиноят кодексининг 207-моддаси мансабга совуққонлик билан қараш – 39 фоизга, 209-моддаси мансаб сохтакорлиги – 38 фоизга, 167-моддаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – 37 фоизга, 205-моддаси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – 35 фоизга, 206-моддаси ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш – 31 фоизга, 210-212-моддалари пора олиш, бериш ва олиш-беришда воситачилик қилиш – 13 фоизга камайган. Лекин, коррупцияга қарши курашиш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина¹².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий жамиятимизда коррупция профилактикасини амалга оширишда қуйидаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ саналади:

Биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидаги масалаларнинг ҳал этилиши устидан назоратни кучайтириш.

Иккинчидан, замонавий жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида коррупция даражасини ҳолисона баҳоловчи ва ўз вақтида профилактикасини белгилаб берувчи тизимни жорий этиш;

Учинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва улардаги ваколатга эга шахсларининг коррупция сабабларини бартараф этиш чораларини кўрмаганликлари учун жавобгарлигини ошириш;

¹² Эшмуродов А. Ишонасизми? Ўзбекистонда коррупция камаймоқда!
<https://aniq.uz/yangiliklar>.

Тўртинчидан, замонавий жамиятимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган муайян ваколатга эга раҳбарлар ва ходимларнинг маъмурий ва расмий ҳужжатларда акс эттирилиши шарт бўлган ваколатларини оптималлаштириш ва аниқлаштириш, уларнинг ваколатларини акс эттиришда умумийликдан қочиш зарур.